

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВА СУРАЙЁ БУРХАНОВНА

БЎЛАЖАК ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА УМУММАДАНИЙ
ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Шарипова Сурайё Бурхановна

Бўлажак чет тили ўқитувчиларида умуммаданий дунёқарашни
шакллантириш механизмларини такомиллаштириш 3

Шарипова Сурайё Бурхановна

Совершенствование механизмов формирования общекультурного
мировоззрения будущих учителей иностранного языка..... 24

Sharipova Surayo Burhanovna

Improvement of mechanisms for the formation of general cultural outlook
for future foreign language teachers..... 44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРИПОВА СУРАЙЁ БУРХАНОВНА

БЎЛАЖАК ЧЕТ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА УМУММАДАНИЙ
ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Ped144 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (_____) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мусурманова Айниса
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Махмудова Муяссар Махмудовна
педагогика фанлари доктори, доцент

Ибрагимов Аълам Амриллоевич
фалсафа фанлари доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.:(0366) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ куни тарқатилди.

(2019 йил “___” _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Х.И.Ибраимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

Ш.Р.Ураков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.б.ф.д.

Н.Ш.Шодиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., проф

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда турли маданият шакллариининг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда умуммаданий дунёқарашни шакллантириш, дунё ҳамжамятларининг интеграциялашуви асосида умумбашарий қадриятларни ўрганиш ва таълим жараёнига киритишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Илғор олий таълим муассасаларида чет тиллари бўйича мутахассисларни тайёрлаш жараёнлари талабаларнинг миллий ва умуммаданий компетенцияси, умуммаданий филологик саводхонлик даражаси, умуммаданий фарқларни англаш, умуммаданий стандартларни ўстириш, умуммаданият иммунитетини такомиллаштиришга асосланиб ташкил этилмоқда.

Дунёда умуммаданий дунёқарашнинг таркиби ва хусусиятлари, халқларнинг маданий камолотида экологик, иқтисодий, ахборот ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги аҳамияти, аҳолининг умуммаданий савиясини ошириш, бўлажак чет тили ўқитувчиларида умуммаданий дунёқарашни шакллантиришнинг инновацион ёндашувлари, илмий изланишли фаолиятга аксиологик муносабатни қарор топтиришга оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илмий натижалар замонавий шароитда чет тилларни ўқитишнинг интенсификацияси усуллари ишлаб чиқиш, бўлажак чет тили ўқитувчиларининг касбий маданий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришнинг асосий тенденцияларини жорий этиш, аутопсихологик компетентлиликни ривожлантириш орқали ёшларни билим олишга иштиёқини уйғотиш, глобал тафаккур ва кишилар билан толерантлик муносабатларида бўлишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ёшларни чет тилларини ўрганишлари учун шарт-шароитлар яратиш, ҳар жиҳатдан билимли ва мустақил фикрлайдиган қилиб тарбиялаш юзасидан амалга оширилаётган ислохотлар натижасида таълим стандартлари такомиллаштирилиб, соҳага оид замонавий таълим технологиялари жорий этилмоқда. «Мамлакатимизда бир неча хорижий тилларни билувчи замонавий кадрлар тайёрлаш, хорижий тиллар бўйича илмий ишлар олиб бориш, тил ўргатиш методологиясини такомиллаштириш»¹ ҳамда «чет тилларини чуқур ўрганишга эътибор қаратган ҳолда, ихтисослаштирилган синф ва мактабларни яратиш амалиётини кенгайтириш усули билан мактабларда таълим сифатини тубдан яхшилаш»² каби вазифалар белгиланган. Бунда бўлажак чет тили ўқитувчиларида умуммаданий дунёқарашни шакллантиришнинг мазмун-моҳиятини илмий-педагогик жиҳатдан асослаш ва моделлаштириш, баҳолаш мезони ва кўрсаткичларини аниқлаштириш муҳим аҳамият касб этади ва таълим-тарбия сифатини янги босқичга олиб чиқиш имкониятини оширади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 5 мартдаги Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Исоқхон Ибрат номидаги мактаб-интернатига ташрифидаги нутқи. Электрон ресурс: <http://www.uza.uz/oz/...prezidentimiz-is-okhon-t-ra-ibrat-mazhm>. Мурожаат санаси: 26.11.2018 й.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ 3775-сон, 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 610-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда шахс дунёқарашини шакллантиришнинг методологик асослари, ёш авлодни маданий-маънавий ривожлантириш каби муаммолар И.Мўминов, М.Хайруллаев, С.Шермухамедов, Ж.Туленов, Қ.Назаров, М.Бекмуродов, С.Нишонова, А.Чориев, М.Абдуллаев, Х.Одилқориев, Х.Ибраимов, Э.Юсупов, М.Муродов, Б.Қодиров, Н.Артиков, А.Мусурманова, С.Аннамуратова, У.Маҳкамов ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Шахс шаклланишининг психологик омиллари, шахс қобилияти ва унинг ривожланиши каби масалалар психолог олимлар М.Давлетшин, Ғ.Шоумаров, Э.Ғозиев, Р.Суннатова, В.Каримова, З.Нишонова ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимлари И. Артюхова, В.Кинелев, В.Розин, Б.Азаров, Б.Лихачёв, В.Беспалько, Г.Шалабаева, А.Ковалёв, Э.Тейлорларнинг илмий изланишларида миллий маданият ва қадриятлар М.Пиатровский, С.Рубинштейн, И.Подласый, И.Косова, А.Измайлов, Л.Выготский, М.Гурьянова, Ш.Амонашвили, Н.Азизходжаева, Р.Немов кабиларнинг илмий изланишларида бўлажак ўқитувчиларнинг умуммаданий ва ижтимоий-маданий компетенциясини шакллантириш масалалари ёритилган.

Хорижий давлатларда шахс дунёқарашининг субъектив асослари, маданий дунёқарашни шакллантиришда ўқитиш амалиёти ва педагогик инновациялар З.Гельман, Конфуций, Клавихо Руи Гонсалисде каби олимлар томонидан ўрганилган.

Талабаларда билим, кўникма ва малакаларни ривожлантириш, уларда умуммаданий тушунчалар ҳамда умуммаданий дунёқараш шаклланишининг педагогик-психологик асослари, шахснинг ўз-ўзини англаши ва ўз мустақил фикрининг ривожланиши билан боғлиқ илмий тадқиқот ишини олиб боришни тақозо қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлари» банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак чет тили ўқитувчиларида умуммаданий дунёқарашни шакллантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак чет тили ўқитувчиларида умуммаданий дунёқарашни шакллантиришнинг мазмун-моҳиятини илмий-педагогик жиҳатдан асослаш;

бўлажак чет тили ўқитувчиларида умуммаданий дунёқарашни шакллантиришнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш;

ривожланган давлатлардаги олий таълим сифатини таъминлаш тажрибасини қиёсий таҳлил этиш асосида бўлажак ўқитувчиларда умуммаданий дунёқарашни шакллантириш моделини ишлаб чиқиш ва уни такомиллаштириш;

бўлажак чет тили ўқитувчиларида умуммаданий дунёқарашни шакллантириш механизмларини такомиллашганлик даражасини баҳолаш мезони ва кўрсаткичларини белгилаш, уларнинг самарадорлигини тажриба – синов ишлари натижасида аниқлаш ҳамда илмий–амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлажак чет тили ўқитувчиларида умуммаданий дунёқарашни шакллантириш жараёни танлаб олиниб, тадқиқотда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат педагогика университети, Самарқанд давлат чет тиллар институти, Навоий давлат педагогика институтининг 390 нафар 1-2 босқич «Хорижий тил ва адабиёти» йўналиши талабалари иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети бўлажак чет тили ўқитувчиларида умуммаданий дунёқарашни шакллантириш механизмларини такомиллаштириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (таҳлилий-статистик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик

(сўровлар, суҳбат, сўровнома, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак чет тили ўқитувчилари умуммаданий дунёқарашини шакллантириш ёндашувларининг педагогик хусусиятлари (эҳтиёжни қондириш омили, дидактик ҳамда тарбиявий характери, яхлит жараёнлиги кабилар) ахлоқий ва эстетик воқеа-ҳодисалар, миллий ва умуминсоний қадриятларга бўлган рағбатлантиришнинг мотивацион таъсирини очиқ бериш асосида аниқлаштирилган;

умуммаданий дунёқарашнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш мезонлари маданиятни юксалиш кўрсаткичлари (тарихийлик, назарийлик, уйғунлашув, турмуш тарзи, миллийлик, бадий-эстетик) мазмунига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

умуммаданий дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган технологик тузилма умуммаданий компетентликни ўстириш методлари, шакллари, воситаларига маданият элементларини (сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий, экологик, эстетик) ўзаро интеграциялаш босқичларини (тўлдириш, боғлаш, узвийлаштириш) белгилаш асосида такомиллаштирилган;

умуммаданий дунёқарашни шакллантиришда тарбиявий ишларни ташкил этиш жараёнлари маънавий-маданий маҳсус дастурлар ва оммавий маданиятнинг олдини олишга қаратилган педагогик таъсир воситалари (жамоавий байрамлар, танловлар, учрашувлар, чиқишлар, китобхонлик кечалари) асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак чет тили ўқитувчиларида умуммаданий дунёқарашни шакллантириш механизмларини такомиллаштириш жараёнининг мазмуни, шакл, метод ва воситалари аниқланган ҳамда унинг амалиётга тадбиқ этишнинг яхлит механизми тавсия этилган;

«дунёқараш», «умуммаданий дунёқараш», «маданият», «миллий маданият» каби тушунчаларнинг мазмун ва моҳияти муаллифлик ёндашуви асосида ёритилган;

бўлажак чет тили ўқитувчиларида умуммаданий дунёқарашни шакллантириш модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Тадқиқотда қўлланган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, оғзаки нутқ келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистик методлар воситасида асослангани, хулоса ва методик тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти «маданият», «дунёқараш», «умуммаданий

дунёқараш», «оммавий маданият», «миллий маданият» тушунчаларининг мазмун-моҳияти, умуммаданий дунёқарашни шакллантириш механизмлари, ижтимоий-касбий йўналтириш мотивлари, уларни ривожлантириш жиҳатлари ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бўлажак чет тили ўқитувчиларида умуммаданий дунёқарашни шакллантириш механизмларининг шакл, метод ва воситаларининг ишлаб чиқилганлиги, бўлажак чет тили ўқитувчиларида умуммаданий дунёқарашнинг шаклланганлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларидан «Умумий педагогика», «Ижтимоий педагогика», «Педагогика.Психология», «Педагогика» фанлари бўйича ўқув адабиётлари ва ўқув қўлланмаларининг янги авлодини яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак чет тили ўқитувчиларида умуммаданий дунёқарашни шакллантириш механизмларини такомиллаштиришга доир тадқиқот натижалар асосида:

бўлажак чет тили ўқитувчилари умуммаданий дунёқарашини шакллантириш ёндашувларининг педагогик хусусиятларини аниқлаштириш, ахлоқий ва эстетик воқеа-ҳодисалар, миллий ва умуминсоний қадриятларга бўлган рағбатлантиришнинг мотивацион таъсирини очиб беришга оид таклифлари «Умумий педагогика» ўқув қўлланмаси (2.05.2019 йил, 394-сон гувоҳнома) ишлаб чиқилган ҳамда А-1-197 рақамли «Инглиз ва немис тилларини ўрганиш бўйича ўқув-услугий модуллардан фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришнинг назарий-амалий асослари» (2015-2017 йй.) амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус вазирлигининг 2019 йил 26 ноябрдаги 89-03-4562-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак чет тили ўқитувчиларини педагогик фаолиятга тайёрлаш, умуммаданий эътиқод механизмини ошириш имконини яратган;

умуммаданий дунёқарашни шаклланганлик даражасини аниқлаш мезонлари, маданиятни юксалиш кўрсаткичлари (тарихийлик, назарийлик, уйғунлашув, турмуш тарзи, миллийлик, бадиий-эстетик)га доир таклифлар ЁА1-ОТ-1-11965-рақамли «Ўқувчиларнинг номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш тизимини шакллантириш» (2014-2015йй.) мавзусидаги ёш олимлар амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус вазирлигининг 2019 йил 26 ноябрдаги 89-03-4562-сон маълумотномаси). Натижада, умуммаданий дунёқарашда ўрнатилган назария ишлаб чиқилиб, бўлажак чет тили ўқитувчиларида умуммаданий дунёқарашнинг шаклланганлик даражаси аниқланган;

умуммаданий дунёқарашни шакллантиришга йўналтирилган технологик тузилмани такомиллаштириш, умуммаданий компетентликни ўстириш методлари, шакллари, воситаларига маданият элементларини (сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий, экологик, эстетик) ўзаро интеграциялаш босқичларини (тўлдириш, боғлаш, узвийлаштириш) белгилашга оид таклифларидан ОТ-А1-118-рақамли «Ўзбекистон Республикасида кўп қиррали

маданий таълим муҳитида ўқитишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш» (2016-2018йй.) мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус вазирлигининг 2019 йил 26 ноябрдаги 89-03-4562-сон маълумотномаси). Натижада, маданий таълим муҳитида ўқитишнинг самарали усуллари, воситалари, технологик босқичлари ишлаб чиқилиб, умуммаданий дунёқарашни шакллантиришнинг тузилмасига эришилган;

умуммаданий дунёқарашни шакллантиришда тарбиявий ишларни ташкил этиш жараёнлари, маънавий-маданий махсус дастурлар ва оммавий маданиятнинг олдини олишга қаратилган таъсир воситаларига оид таклифлардан «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитнинг ҳолатини аниқлаш ва манзилли соғломлаштириш» методикаси ҳамда «Худудларда ижтимоий-маънавий муҳит» хариталарини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат Марказининг 2019 йил 13 августдаги 02/09-1069-19-сон далолатномаси). Натижада, ишлаб чиқилган методика ва таълим технологияси талабаларнинг миллий ва умуммаданий компетенциясининг такомиллашувига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари ва мазмуни 5та хорижий, 11та республика илмий журналларида, шунингдек, 5та халқаро ва 7та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 58та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9та мақола, шундан, 8таси республика, 1таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 163 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Муस्ताқиллик шароитида олий таълим муассасалари бўлажак чет тили ўқитувчилари умуммаданий дунёқарашини шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик асослари**» деб номланган биринчи бобида талабаларда умуммаданий дунёқарашни

шакллантиришнинг мазмун-моҳияти, асосий тамойиллари ҳамда омиллари асосланган, талабаларда умуммаданий дунёқарашни шакллантиришнинг психологик-педагогик хусусиятлари ёритилган, таълим тизимида умуммаданий дунёқарашни шакллантиришнинг методик таълимоти аниқланган.

Жамият тараққиётида, хусусан баркамол шахс тарбиясида маданият катта аҳамият касб этади. Чунки маданият инсоннинг иқтидори, салоҳияти, қобилияти ва ўзлигини намоён этиб, унинг билимлари, кўникма ва тажрибаларини, маънавий салоҳиятини амалий фаолияти орқали камол топтиришда асосий роль ўйнайди. Ҳақиқатан ҳам маданият шахс тарбиясида муҳим ўринни эгаллаши дунё цивилизацияси тажрибасида ўзини исботланган. «Маданият» тушунчасига турли файласуф олимлар турлича таъриф берганлар.

Файласуф олимлар Э.Юсупов, Ж.Туленов, Х. Одилқориев, Ш. Ғойибназаров, М. Абдуллаев, педагогик олимлар А.Мусурманова, У.Маҳкамов ва бошқалар, хорижий олимлар Э.Тейлор, Альфред Кребер ва Клайд Клакхолар таърифлари шулар жумласидандир.

«Фалсафа» қомусий луғатида «маданият» (арабча – мадиналик, моҳирлик, таълим-тарбия кўрган) – табиат ва ўзаро муносабатларда акс этилган инсон фаолиятининг ўзига хос усули деб таъриф берилган. Бу ўринда биз «инсон фаолиятининг усули» деган фикрга қўшила олмаймиз. Бизнингча, «инсон фаолиятининг маҳсули» –деса тўғрироқ бўлар эди. Лекин юқоридаги таъриф билан бирга, «Маданият инсон фаолиятининг ҳам маҳсули, ҳам сифат кўрсаткичи, шу билан бирга инсониятнинг ўзи ҳам пировард натижада маданият маҳсулидир. Маданий муҳит қандай бўлса, инсон ҳам шундай шаклланади. Маданиятнинг ижодкори, энг аввало, халқ. Халқ маданиятида авлодлар яратган моддий ва маънавий бойликлар жамланган. Уларни ўзлаштирмай, билмай туриб, маданиятли киши бўлиб етишиши қийин» - дейилади.

Бошқа барча луғатларда ва фалсафага доир дарсликларда «маданият» «cultura» атамасидан олинган бўлиб, парвариш қилиш, ишлов бериш маъносини билдиради, мумтоз лотин тилида «маданият» ерни парвариш қилиш, унга ишлов бериш маъносида ишлатиб келинган. Лекин мелоддан аввал яшаб ўтган Рим нотиғи, машхур файласуф Цицерон «маданият» атамасини ақлга ишлов бериш маъносида ҳам ишлатганлиги келтирилади.

Кейинчалик «маданият» тушунчаси билимдон, маърифатли, юксак тарбияли инсонларга нисбатан ишлатилган. Уларнинг фикрларига таянган ҳолда, барча таърифларни ўрганиб, уларнинг ҳаммаси ҳам муаммога тўғри ёндашганларини таъкидлаган ҳолда биз ҳам куйидаги фикрларни илгари суришга ҳаракат қилдик. «Маданият» бу жамият тараққиёти давомида инсон фаолияти жараёнида яратилган барча моддий ва маънавий бойликлар маҳсули бўлиб, унда ишлаб чиқариш жараёнида яратилган моддий ва ижтимоий онг шакллари ўз ичига қамраб олган маънавий мероснинг ўзаро алоқасининг бир бутун, яхлит намоён бўлишидир.

Маданиятнинг барча таркибий қисмлари ва ижтимоий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда унинг педагогик жиҳатлари қуйидагилардан иборат эканлиги маълум бўлди:

1. Билишга доир. Инсоннинг ўз фаолияти жараёнида нарса ва ходисаларни билиш ҳамда ўзлаштириш жараёнида тўпланган тажрибалари.

2. Ахборот узатиш, яъни бир авлоддан иккинчи авлодга ижтимоий тажрибани етказиш.

3. Мулоқотга доир вазифаси. Моддий ва маънавий маълумотларни қабул қилиш билан ўтмиш авлодларнинг турмуши, диди, маданий даражаси билан мулоқотда бўлиб, улардан хабардор бўлиш.

4. Инсоннинг ахлоқ-одоби, хатти-ҳаракатини баҳолаш ва тартибга келтириш.

5. Инсоннинг фазилатларини шакллантирадиган гуманистик, инсонпарварлик вазифалари.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда маданиятнинг таркибий қисмларини қуйидагиларга ажратиш мумкин (1-расмга қаранг):


Буларнинг барчаси умуммаданиятни ташкил этиб, ҳозирги даврда ҳар бир инсонда умуммаданий дунёқарашни шакллантиришни тақозо этади. Дунёқараш – инсоннинг теварак-атрофини қуршаб турган воқелик тўғрисидаги, оламнинг моҳияти, тузилиши, ўзининг ундаги ўрни ҳақидаги қарашлар, тасаввурлар, билимлар тизимидир. Дунёқараш кишиларнинг турмуш тарзи, ҳаёти, хулқи-одоби, маданиятини ўзида мужассамлаштирган тасаввур ва билимларни ўз ичига қамраб олади.



1-расм. «Маданият» тушунчасининг таркибий тузилмаси

Инсон онгининг табиат ва жамиятга муносабати натижасида қарашлари, эътиқоди, идеали асосида пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-эстетик ва хулқини ифодаловчи билимлар тизими ҳам унинг дунёқарашидир. Дунёқараш мураккаб тузилмага эга. Олимлар уни муайян билимлар, ғоя ва мақсадлар, фан ютуқларига, диний тасаввурлар, қадриятлар, ишонч ва

эътиқод, фикр, ҳиссиёт каби таркибий қисмларга ажратадилар (2-расмга қаранг):



2-расм. «Дунёқараш» тушунчасининг таркибий тузилмаси

Умуммаданиятнинг муҳим элементлари санъат, моддий-маънавий меърос, фан ва бошқалар турли йўллар билан ўрганилади ҳамда талабалар онгига етказилади. Умуммаданий дунёқарашга ижтимоий-иқтисодий муносабатлар таъсир қилар экан, уларнинг эмоционал-ҳиссий таъсири эстетик таъсир вазифасини, ўтмишни яқинлаштириш, айрим шахсларнинг тарихи ва психологиясини очиб беришга оид вазифасини; ҳаётга бўлган муносабати орқали ифодалашга йўналтирилган, жамиятнинг ғоявий ҳаёт жараёнига кирувчи мафкуравий вазифасини инсоннинг маънавий шаклланишига ақли, иродаси, ҳиссиётига таъсир этувчи тарбиявий вазифасини ва ниҳоят, маънавий бойишига таъсир этувчи коммуникатив вазифани бажаради.

Фалсафий дунёқарашнинг таркибий қисми бўлган умуммаданий дунёқараш қўйидаги тамойиллар асосида шаклланади:

1. Дунёқарашнинг илмийлиги тамойили.
2. Умуммаданий дунёқарашнинг изчиллиги тамойили.
3. Умуммаданий дунёқарашнинг тарихийлик тамойили.
4. Маданий дунёқарашнинг мақсадга мувофиқлик тамойили.
5. Маданий дунёқарашнинг универсаллиги тамойили.
6. Умуммаданий дунёқарашда назария билан амалиётнинг ўзаро алоқадорлиги тамойили.

Лекин буларнинг барчаси қўйидаги қатор омилларга боғлиқ ҳолда амалга ошади:

1. Талабалар онгига миллий ғояни сингдириш асосида улар тафаккурини янгилаш орқали умуммаданий дунёқарашни шакллантириш.

2. Жаҳондан умумбашарий қадриятлар, ўтмишда маданият ривожланишида эришилган ютуқлар, муваффақиятлардан ворислик жараёнида фойдаланиш асосида келгусида маданият соҳасида бажариладиган ишлар кўламини белгилаб олиш.

3. Турли маданият шакллариининг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда умуммаданий дунёқарашни шакллантиришда мамлакатимизда амалга оширилаётган мустақил тараққиётнинг имкониятларидан фойдаланиш.

4. Мамлакат иқтисодиётидаги туб ўзгаришларнинг маданият соҳасига ҳам таъсири, маданият соҳасида мамлакатлараро алоқанинг ортиб бориши.

5. Давлат сиёсатида маънавий маданиятнинг устувор йўналиши касб этганлигинининг шахс умуммаданий дунёқарашини шакллантиришга таъсири.

6. Миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик, миллий ифтихор туйғуси шаклланаётганлигининг бой миллий, тарихий анаъаналарига, халқ интеллектуал меросга ҳурматининг ортиб бориши.

Умуммаданий дунёқарашни шакллантиришда маданиятнинг қуйидаги юксалиш мезонларига асосланиш лозимлигини белгилайди:

1. Жамият тараққиёти жараёнида яратилган маънавий қадриятлар кўлами ва сони, уларнинг тарқалиш даражаси, одамлар томонидан ўзлаштирилиши.

2. Маънавий маданият турларининг бир текис тараққий этиши.

3. Маданий қадриятлардан баҳраманд бўлишда барча кишиларнинг иштирок этиши.

4. Маданий бойликларни яратишда аҳоли барча кўламларининг онгли равишда иштирок этиши.

5. Кишилар маданий юксалишига ўз ҳиссаларини кўшишлари учун жамиятда барча имкониятларнинг мавжуд бўлиши.

Юқоридаги фалсафий мезонларга таянган ҳолда биз талабаларда умуммаданий дунёқарашни шакллантиришга доир қуйидаги мезонларни ишлаб чиқдик. Булар:

– умуммаданиятнинг мазмун-моҳиятини тушуниш;

– ўз миллий маданияти ва бошқа халқларнинг маданиятларига ҳурмат туйғуси;

– ўз-ўзига ҳурмат;

– тарихий онгининг шаклланганлиги;

мен ва вандализм (маданий бойликларни ҳақорат қилувчиларга қарши курашиш);

– маънавий ва моддий бойликларга маданий муносабат;

– тасаввур ва фантазия (мен ва миф);

– эстетика ва тарбия (мен ва гўзаллик);

– ахлоқий тарбияланганлик (бошқаларнинг ҳолатини ҳис этиш);

– маънавий бой (мен ва менинг қалбим);

– экологик маданият (атроф-оламга муносабат);

– ўз фаолиятида умуммаданий дунёқарашни намоён эта олиш.

Талабалар белгиланган мезонлар асосида билим, тасаввурга эга бўлишлари учун умуммаданий дунёқарашни англашининг ўзига хос хусусиятлари, педагогик-психологик асослари мавжуд бўлиб, баркамол шахс тарбиясининг ўзаро алоқадорлиги, ҳар бир тарбияланувчининг ёш хусусиятлари ҳамда унинг интеллектуал ривожланишини ҳисобга олмай

туриб, маънавий маданиятни таъминлаш мумкин эмас. Бу борада педагогик фаолиятнинг йўналишлари ва технологияларини ўз ичига олган талаба-ёшларнинг психо-физиологик ривожланиши ва бу ривожланиш фаолиятнинг асосий турлари – таълим муассасидаги шарт-шароитлар билан уйғун бўлиши талаб этилади. Талабаларда умуммаданий дунёқарашни шакллантиришда барча ўқув фанлари иштирок этади. Умуммаданий дунёқарашни шакллантиришда:

1) маданиятнинг фалсафий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий қарашларда яхлит бир тизим сифатида етакчи тушунчаларини ажратиб олиш;


2) ўқув фанларида дунёқараш мазмуни қай даражада эканлигини аниқлаб бериш (ўқув предметлари ва ёш хусусиятлари жиҳатидан);

3) олий таълим тизимида ўрганиладиган фан асосларини умуммаданий фанларни яхлит бир мажмуада бирлаштириш талаб этилади. Шунга кўра, ижтимоий гуманитар, табиий математика, «Маданиятшунослик асослари», миллий бадий маданиятга доир дастурлар ҳамда россиялик Э.Гельман томонидан тузилган «Фан ва маданият тарихи» дастури таҳлил этилиб, уларнинг умуммаданий дунёқарашини шакллантиришдаги аҳамияти ёритилган ҳолда, лекин шу пайтгача талабалар умуммаданий дунёқарашини шакллантиришга доир муҳим бир инегратив дастур, ўқув қўлланмаси, дарслик ёки методик қўлланма яратилмаганини ҳисобга олган ҳолда «Маданиятшунослик» дастурини яратиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилади.

Диссертациянинг «**Бўлажак чет тили ўқитувчиларида умуммаданий дунёқарашни шакллантириш механизмларини ривожлантириш йўллари**» деб номланган иккинчи бобида бўлажак чет тили ўқитувчиларининг умуммаданий дунёқарашини шакллантириш механизмларини ривожлантиришга хос педагогик ва психологик омиллар уйғунлиги ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди. Бу жараёнда талабаларда умуммаданий дунёқарашни шакллантиришнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш юзасидан илмий тадқиқот ва тажриба-синов ишлари олиб борилди ҳамда таълим жараёнида талабаларда умуммаданий дунёқарашни шакллантиришнинг асосий йўналишлари, аудиториядан ташқари тарбиявий ишлар воситасида талабаларда умуммаданий дунёқарашини шакллантириш шакл ва методлари ёритилди.

Талабаларда умуммаданий дунёқарашни шакллантиришда педагогик технологияларнинг таркибий қисмларига асосланган ҳолда даставвал таълим-тарбия жараёнининг умумий лойиҳаси тузилди, таълим-тарбияни ташкил этишга бўлган эҳтиёж ва мақсад, таълим мазмуни, шакл, метод, усуллари, ва воситалари, бу борада ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти белгиланди ҳамда таълим натижаси аниқланди.

Бўлажак чет тили ўқитувчиларида умуммаданий дунёқарашини шакллантириш модели яратилди. (3-расмга қаранг):



3-расм. Бўлажак чет тили ўқитувчиларида умуммаданий дунёқарашини шакллантириш модели

Мураккаб ижтимоий тузилма сифатида маданият илмий билимларни, дунёқарашни, ахлоқий ва эстетик қадриятларни, хулқ ва ҳуқуқий меъёрларни, тарихан таркиб топган урф-одатлар, анъаналар, рамзий ҳолатларни ўз ичига олади. Шу асосда маданият моддий ва маданий бойликларни кўпайтиради ва тарбия жараёнида муҳим маънавий роль ўйнайди.

Шунга кўра биз маданиятнинг таркибий қисми сифатида талабаларда таълим жараёнида сиёсий маданият, иқтисодий маданият, меҳнат маданияти, ахлоқий маданият, экологик маданият, эстетик маданият кабиларни таркиб топтиришга ҳаракат қилдик.

Талабаларда умуммаданий дунёқарашни шакллантиришда тарбиявий ишлар ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Мазкур вазифани амалга оширишда тарбиявий ишларни мақсадга мувофиқ тарзда маълум бир тизимда, ўзаро алоқада олиб бориш зарур.

Тарбиявий ишларни ташкил этишда қуйидаги талабларга риоя этиш мақсадга мувофиқ:

1. Умуммаданий дунёқарашни шакллантириш вазифаларидан келиб чиқиб, талабаларнинг билим даражаси ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда белгилаш.

2. Ҳар бир тарбиявий ишни фаолиятли ва мажмуавий ёндашув асосида ташкил этиш. Фаолиятли ёндашув тарбиявий ишнинг қизиқарли, жонли ва ижодийлигини назарда тутса, мажмуавий ёндашувда талабалар битта тарбиявий иш орқали бир неча соҳа бўйича маълумотга эга бўладилар.

3. Тарбиявий ишларда барча вазифаларни ҳал этиш мумкин эмас. Ҳар қандай ишда битта умумий ва муҳим ғоя илгари сурилади ҳамда шу ғоя бўйича натижалар кутилади.

4. Тарбиявий ишлар мазмунини унинг вазифалари ва амалга ошириш шарт-шароитларидан келиб чиқиб белгилаш лозим.

5. Муҳим тарбия методлари, усуллари ва воситалари тарбиявий ишнинг ҳар бир босқичи учун лойиҳалаштирилади. Улар талабаларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги ва мустақиллигини таъминлаши керак.

6. Тарбиявий ишларни ташкил этишда нимага алоҳида эътибор бериш муҳим саналади. Чунки умуммаданий дунёқарашни шакллантиришга доир тарбиявий ишлар бошқа тарбиявий тадбирлардан моҳияти билан фарқ қилади.

7. Умуммаданий мазмундаги тарбиявий ишларга шаблон, бир хиллик, сунъийлик путур етказилади. Улар ҳар бир гуруҳда ёки бутун жамоада хилма-хил, ўзига хосликка эга бўлиши керак.

8. Умуммаданий мазмундаги тарбиявий ишларда хилма-хилликка риоя этиш муҳим. Бу борада бир хиллик, умумийликдан қочиб, тарбиявий тадбир сценарийларини тузишда янгиликка интилиш зарур.

9. Тарбиявий ишларни ўтказишда унинг маданий савиясини кўтаришга ҳаракат қилиш, талабаларда ҳис-туйғу, кўтарингки руҳ пайдо қилиш орқали

уларнинг ижобий хислатларини намоён этиши, фаол ҳаётий нуқтаи назарда туриши, атроф-олам гўзалликларини тўғри англаб етишига эришиш керак. Умуммаданий дунёқарашни шакллантиришни режалаштиришда унинг энг муҳим йўналишлари ҳисобга олинади.

Дастлабки тажрибалар умуммаданий дунёқарашга доир тарбиявий ишларни сиёсий, маънавий-ахлоқий, эстетик, экологик, меҳнат маданияти, ҳуқуқий маданият, иқтисодий маданият, соғлом турмуш маданиятига доир йўналишларда лойиҳалаштириш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

Олиб борилган тарбиявий ишлар талабаларни фақат назарий жиҳатдан билимга эга этибгина қолмай, амалий фаолиятларида ҳам эгаллаб олган билимларининг ҳаққоний эканлигини ҳам намоён этди. Бу борада маърузалар, давра суҳбатлари, мунозаралар, баҳслар, вақтли матбуот материаллари, китоб билан ишлаш, маданият муассасаларига, кўшма корхоналарга экскурсиялар, мутахассислар билан учрашувлар, эзгулик тадбирлари, байрам ва бошқа қутлуғ кунларни нишонлаш каби тарбиявий ишларнинг самарадорлигини таъминлади. Натижада талабаларда билим олишга қизиқиш уйғонди, соғлом турмуш тарзи шаклланаётганлиги маълум бўлди, ҳар қандай ташқи таъсирларга берилган талабалар сони кескин камайди, маънавий-ахлоқий фазилатлар шакллана бошлади. Бўш вақтларида бадий кўргазмалар, галереялар, музейлар, театрлар, кутубхоналарга бориш одат тусига кирди.

Ўқув залларида мустақил ишлар, семинарларга тайёрланиш, умуман олганда, бутун фаолиятини маданий ташкил этишга одатландилар. Ётоқхоналарда парнографик, даҳшатли фильмларни кўриш чекланиб, ҳар хил маъно-мазмунсиз кечалар ўтказиш тугатилди. Бу ишларнинг барчаси талабаларнинг ўз ташаббуслари билан амалга оширила бошланди.

Тарбиявий ишларни режа асосида маълум мақсадга йўналтирилган ҳолда изчил ташкил этиш ўз самарасини берди. Боб мазмуни юзасидан хулосалар чиқарилган.

Диссертациянинг **«Бўлажак ўқитувчиларда умуммаданий дунёқарашни шакллантириш самарадорлиги ва унинг мотивацион омиллари»** деб номланган учинчи бобида бўлажак чет тили ўқитувчиларида умуммаданий дунёқарашни шакллантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси ҳамда мазкур ишларнинг таҳлили ва самарадорлик даражаси ҳақида фикр юритилган. Талабаларда умуммаданий дунёқарашни шакллантиришга оид тажриба-синов ишларида, педагогик фаолиятни амалга оширишда қуйидаги методлардан фойдаланилди:

- социометрик методлар (сўровномалар ўтказиш, тест, суҳбат, интервьюлар);
- тажриба-синов материалларини ўрганиш;
- педагогик кузатиш;
- экскурсиялар, учрашувлар, дебатлар, интервьюлар, мунозара ва баҳслар;

- интерфаол методлар;
- эксперт баҳоси;
- моделлаштириш.

Маълумки, тажриба-синов ишларини баҳолашда эксперт хулосаси катта аҳамиятга эга. Эксперт хулосаси махсус ишлаб чиқилган мезонларга асосланди.

Масалан, муаммонинг янгилиги, унинг педагогика назарияси ва амалиётда қай даражада муҳимлиги, яъни долзарблиги, давр талаба ёки эҳтиёжини қаноатлантиришга хизмати, тадқиқотнинг ҳар бир босқичи мос шакл, метод, воситаларнинг ишлаб чиқилганлиги, натижаларнинг ишончлилиги, методик тавсияларнинг самарадорлиги, тажриба-синов ишлари учун шарт-шароитларнинг ҳисобга олинганлиги, шакл, метод ва воситаларнинг тўғри танланганлиги, талабаларнинг психологик хусусиятларига мослиги, таълим-тарбия самарадорлигини оширишга хизмат қилиши, мавжуд методикалардан фарқи, маълум мақсадга йўналтирилганлиги, ғоявийлиги, илмийлиги, мантиқий изчиллиги, тушунчаларнинг аниқ ва тўғри ифодаланганлиги, давлат буюртмасига мослиги, методик қўлланма тарзида фойдаланиш мумкинлиги. Талабаларда умуммаданий дунёқарашни шакллантириш механизмлари йўналтирилган педагогик жараённинг самарадорлик даражасини аниқлашга қаратилган тажриба-синов ишларида улар тамонидан маданият мазмун-моҳиятини тушунилиши, ўз миллий маданияти ва бошқа халқлар маданиятига ҳурмат туйғуси; моддий ва маънавий бойликларга маданий муносабатнинг таркиб топганлиги; маданий бойликларни ҳақорат қилувчиларга нафрат туйғуси ва уларга қарши кураш; умуммаданий дунёқарашда тасаввур ва фантазиянинг мавжудлиги; атроф-оламни эстетик идрок этиши, яъни эстетик дунёқараш; бошқаларнинг ҳолатини ҳис этиши; яъни ахлоқий дунёқараш; умуммаданиятга муносабатида ва маънавий юксаклиги; табиат ва инсон муносабатлари уйғунликни англаб этиши, яъни экологик тасаввури аниқланди. (1-жадвалга қаранг):


1-жадвал.

Бўлажак чет тили ўқитувчиларидада умуммаданий дунёқарашнинг шаклланганлик даражаси (390 талаба ҳисобида)

№ Т.р	Умуммаданий дунёқарашнинг шаклланганлик мезонлари	Тажриба гуруҳи-194		Назорат гуруҳи-196			
		Шаклланганлик даражаси					
		юқори		ўрта		паст	
1.	Умуммаданиятнинг мазмун-моҳиятини тушуниш	90	53	61	59	43	84
2.	Ўз миллий маданияти ва бошқа халқлар маданиятига ҳурмат туйғуси	86	54	64	61	44	81
3.	Моддий ва маънавий бойликларга маданий муносабатнинг шаклланганлиги	89	57	60	63	45	76
4.	Вандализм	82	57	62	60	50	79
5.	Умуммаданий дунёқарашга доир	93	58	59	55	42	83

	тасаввур ва фантазиянинг мавжудлиги						
6.	Эстетик маданияти	81	58	63	58	50	80
7.	Ахлоқий маданияти	88	47	61	64	45	85
8.	Маънавий маданияти	80	53	57	58	57	74
9.	Экологик маданияти – атроф-оламга муносабати	87	58	59	62	48	76
10.	Ўз фаолиятида умуммаданий дунёқарашни намоён эта олиши	92	59	67	60	41	77

Тажриба-синов якунида биз танлаган мезонлар асосида олинган сифат кўрсаткичларига биноан талабаларнинг умуммаданий дунёқараш шаклланганлиги юқори, ўрта, паст даражаларга ажратилди. Жумладан:



4-расм. Бўлажак чет тили ўқитувчиларида умуммаданий дунёқарашнинг шаклланганлик даражаси диаграммаси

Юқори даража – умуммаданий дунёқарашнинг моҳиятини чуқур тушуниб етадилар, уларда мазкур маданий дунёқарашга эга бўлишга эҳтиёж ва истак таркиб топган, ўз фаолиятларида маданиятлилик талабларига риоя этадилар.

Ўрта даража – умуммаданий дунёқараш моҳиятини тўғри англаб етадилар, ўзларида маданий дунёқарашга доир эҳтиёж сезадилар, аммо ўз ҳамма вақт ҳам маданиятлилик талабларига риоя этмайдилар.

Паст даража – умуммаданий дунёқараш моҳиятини қисман англаб етадилар, бунга эҳтиёж ҳам, хоҳиш-истак ҳам бор. Лекин бу борада етарлича фаолият кўрсата олмайдилар.

Юқоридаги мезонларга асосан тажриба сўнгида талабаларда умуммаданий дунёқарашнинг шаклланганлик даражаси аниқланди. Бу натижа 2-жадвалда ўз ифодасини топган. (2-жадвалга қаранг):

Талабаларда умуммаданий дунёқарашнинг шаклланганлик даражасига доир назорат натижалари

	Талабалар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба гуруҳи	194	87	61	46
Назорат гуруҳи	196	55	61	80

Юқоридаги 1,2-жадвалларга асосан тажриба ҳамда назорат гуруҳлари талабаларида умуммаданий дунёқарашнинг шаклланганлигини математик-статистик таҳлил этганда қуйидагилар намоён бўлди. Хулоса қилиб айтганда, тадқиқотимизда амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижасида талабаларда умуммаданий дунёқарашнинг шаклланганлиги сифат ва сон жиҳатдан ортганлиги ўз исботини топди.

